Существующие методики обработки полости поврежденных верхних придаточных пазух носа, в основном, предусматривают выскабливание слизистой оболочки пазух, расширение лобно-носового канала и дренирование полости пазухи, с помощью введенной в канал резиновой или полиэтиленовой трубки. В других случаях после удаления слизистой оболочки просвет лобно-носового канала и полость пазухи тампонируются жировой клетчаткой, воском, акриловыми пластмассами. Однако дренирование лобно-носового канала требует расширения объема операции на спинку носа, что приводит к увеличению косметического дефекта. Кроме того, при проникающих переломах цель операций - ограничение повреждения мозга и твердой мозговой оболочки от внешней среды - остается при использовании этой методики лечения не достигнутой. При нарушении соустья сохраняется широкий путь проникновения инфек-

ционных случаев существует возможность отсроченного хирургического лечения поврежденной орбиты, то при краниобазально-синусо-орбитальных повреждениях офтальмохирургическое вмешательство следует проводить одновременно с нейрохирургической обработкой черепно-мозговой раны. Это обусловлено необходимостью раннего ограничения полости орбиты от полости поврежденных придаточных пазух носа для профилактики риногенных гнойных осложнений со стороны орбиты и органа зрения.

Хирургическое лечение подобных сочетанных повреждений требует удаления всех мелких костных отломков, сгустков крови, иссечения разрозненной ткани. Большое значение дается тщательному выскабливанию слизистой оболочки из всех заворотов и ячеек поврежденных пазух. После обработки канала оболочечно-мозговой раны производится закрытие лобно-носового канала. Ограничение полости орбиты от полости пазухи производится путем одновременного закрытия просвета лобно-носового канала и дефекта нижней стенки лобной пазухи выкраиваемой из прилежащих мягких тканей лобной области лоскутом на питающей ножке. Для этого у нас часто используется аутоотрансплант широкой фасции бедра.

Прогностически важным для исхода краниобазальных травм является состояние твердой мозговой оболочки - биологического барьера на пути интракраниального распространения инфекции. Оставление неустойчивой ТМО, возможно при травмах черепа других локализаций, недопустимо при краниобазальных травмах. Поэтому при операциях в этой области всегда необходимо герметизировать полость черепа путем наложения швов или пластического закрытия дефекта ТМО консервированной оболочкой, лоскутом широкой фасции бедра, мышцей или тахокомбом.

Следует подробнее остановиться на хирургическом вмешательстве при отрывах фрагментов твердой мозговой оболочки и ущемлении их в просвете линейного перелома лобной кости. Учитывая обширность ее отрыва, методом выбора является костно-пластическая трепанация черепа. Костный лоскут нужно выкраивать таким образом, чтобы трещина черепа с ущемленной оболочкой находилась в его центре. Два фрезевых отверстия накладываются непосредственно над линейным переломом, отступив на 1 см выше и ниже ущемленной части ТМО, а затем 2 отверстия по обеим сторонам от него. Фрезевые отверстия соединяют разрезом проволоочной пилой, два образовавшихся костных лоскута откидывают в стороны. После обработки раны мозга производят реимплантацию оторванного фрагмента ТМО, дополняя при необходимости недостающие ее участки лоскутом широкой фасции бедра или тахокомбом.

КРАНИОБАЗАЛЬНЫЕ ТРАВМЫ

гическое удаление остатков его стенок, стекловидного тела и ушивание слизистой оболочки.

Проникающее повреждение стенок глазного яблока требует наложения на месте ранения швов. Больным с повреждением конъюнктивы также производится ушивание ран тонким шелком. В конъюнктивальную полость закапывают альбундид и антибиотики. Швы снимают на 4-5 день.

Хирургическое лечение ранений век заключаются в туалете раны, очень экономном и осторожном иссечении разрозненных тканей и наложении на края узловых швов полиамидной нитью. Линию швов обрабатывают бриллиантовой зеленкой, за веки закладывают мазь с антибиотиками. При ранении век во внутреннем углу глаза у некоторых больных отмечается разрыв слезного канала. Таким пострадавшим в просвет канала вводится зонд Поляка, после чего тонкими шелковыми швами соединяются задняя и передняя стенки разорванного канала. Зонд до снятия швов на 6-7 день фиксируется к коже пластырем.

При сдавлении зрительного нерва в костном канале смещенными отломками его стенок или вследствие отека тканей нерва рекомендуется в течение 6-12 часов после травмы производить декомпрессию зрительного нерва. Бифронтальным доступом интракраниально осуществляется наложение фрезевого отверстия в крыше орбиты, из которого резецируется верхняя стенка канала зрительного нерва.

Своевременное комплексное вмешательство смежных специалистов с широким использованием нейрохирургических и офтальмологических методик лечения данной категории пострадавших исключает необходимость повторных оперативных вмешательств на орбите.

КРАНИОБАЗАЛЬНАЯ ТРАВМА С ПОВРЕЖДЕНИЕМ ВЕРХНИХ ПРИДАТОЧНЫХ ПАЗУХ НОСА

Вид и объем хирургического вмешательства при краниобазальной травме, сочетающейся повреждением верхних придаточ-

ных пазух носа к месту повреждения твердой мозговой оболочки. Нередко у больных в послеоперационном периоде возникают вторичные внутривенные инфекционные осложнения.

Хорошие результаты дает способ закрытия лобно-носового канала слизистой оболочкой лобных пазух. После тщательного выскабливания слизистой оболочки верхних отделов лобной пазухи остатки ее у входа в лобно-носовой канал осторожно отслаиваются от кости. Затем слизистую оболочку либо перевязывают тонкой лигатурой над просветом канала, либо после обработки йодом и азотнокислым серебром отдельные ее участки накладывают друг на друга. С помощью этого метода достигается полное закрытие просвета лобно-носового канала.

В тех случаях, когда в полость лобной пазухи вдавлен лишь фрагмент ее стенки, сохраняющий тесную связь с надкостницей и слизистая оболочка не получила значительных повреждений, предпочтение отдается репозиции вдавления.

Лечение линейных переломов стенок лобных пазух, сопровождающихся нередко гемосинусом, обычно консервативное.

Краниобазальная травма с одновременным повреждением орбит и верхних придаточных пазух носа.

Методика операции при данном виде повреждений в основном та же, что и в предыдущих разделах, хотя тактика хирургического лечения таких повреждений имеет некоторые особенности. Если при краниобазально-орбитальных повреждениях в неко-

Опыт лечения краниобазальных травм в Республиканском научном центре нейрохирургии, показывает, что данный вид травм черепа является одной из наиболее сложных разделов нейротравматологии. Лечение данной патологии необходимо проводить в специализированном стационаре, что значительно снижает летальность и осложнения при краниобазальных травмах.

**М. КАРИБЕВ, профессор,
М. МИРЗАБАЕВА, доктор медицинских наук,
З. МУМИНОВА, нейрохирург, Республиканский научный центр нейрохирургии.**



Халқаро учрашув

**ҲАМКОРЛИККА
ДАЪВАТ - ДАВР
ТАЛАБИ**

Орол денгизининг қуриши бугунги кунда энг долзарб глобал экологик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг оқибатида эса аксарият ерлар фойдаланишга яроқсиз ва минтакалардаги кўпгина майдонлар, худуд аҳолиси ҳосил бўлаётган ноқулай табиий клим шартидан азият чекмоқда. Лекин бу борда кенг жамоатчиликнинг олиб бораётган сай-ҳаракатлари, инсонпарварлик ёрдамлари, шубҳасизки, Орол ва Оролбўйи минтакаларидаги ижтимоий-экологик аҳволни бир қадар яхшилашга хизмат қилмоқда. Айнан ана шу масалалар ўзасидан 22 сентябрь куні ЭКОСАН халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Марказ» меҳмонхонасида «Орол ва Оролбўйи минтакасининг муаммолари - халқаро ҳамкорликка даъват» мавзусида халқаро учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбар ва вакиллари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, мамлакатимизда аккредитация қилинган халқаро ташкилот вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири раҳбарлари, шунингдек, оммавий аҳборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Тадбирда биргина ЭКОСАН халқаро ташкилоти томонидан минтақада олиб борилган бир қатор ижтимоий-экологик лойиҳалар, жумладан, «АС-ПЕРА» - Оролбўйи минтакасидаги оналар ва болаларга минтақавий ёрдам кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилганлиги, 1997 йилдан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикасидаги жами 30 та «ЭКОСАН» саломатлик поезд ва автопоездлари, авиарейслар юборилганлиги алоҳида тилга олинди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, Оролбўйи минтакасидаги экологик муаммони дунё ҳамjami-ти билан халқаро ҳамкорликда бартараф этишга эришиш ва даъват этишдан иборатдир. Йиғилиш давомида хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчиларига ЭКОСАН халқаро ташкилоти томонидан бир қатор лойиҳа ва дастурлар тарқатилади ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Тадбир сўнггида «ЭКОСАН-ТУР» экологик туризм халқаро маркази томонидан ташкил қилинган Орол ва Оролбўйи минтакасида оид аҳборот материаллари ва расмлар кўргазмаси иштирокчилар эътиборига тақдим этилди.

Намоз ТОЛИПОВ.

Хамшира — 2006

ОМАДЛИ СОҶИБАЛАР

Бухоро вилояти

Бугунги кунда Бухоро вилоятининг тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 17804 нафар ҳамширалар, кўли энгил доя, фельдшер ва лаборантларимиз ўртасида «Хамшира» кўрик-танлови босқичма-босқич ўтказилиб, голиб бўлган 12 нафар ҳамшира вилоят биринчилиги бўйича ўзаро куч синашди.

Кўрик-танлов бешта шартдан иборат бўлиб, иштирокчилар амалиёт босқичини Республика шовшилчин тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро вилояти филиалида бажардилар. Ушбу шартда ҳамшира кизлар шифохонага келтирилган беморни зудлик билан қабул қилиб, биринчи тиббий ёрдамни кўрсатишди.

Иштирокчилар қолган тўртта шарт бўйича С. Айний номидаги драма театрида беллашдилар, яъни ҳамшира кизлар ўзи, касби, яшаётган жойлари тўғрисида бадиий кўриниш намойиши этишди. Шунингдек, тиббиётга доир назарий ҳамда ижтимоий-сиёсий саволларга жавоб бериб, санъатнинг исталган тури бўйича бадиий чиқиш қилиб, ўз маҳоратларини намойён қилдилар.

Нихоят ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати голиблар рўйхатини ўқиб эшиттирди. Фахри унвонини ўзини Республика шовшилчин тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилояти филиалининг хирургия бўлими ҳамшираси Гулбахор Саидовага насиб этди. Иккинчи ўринга Ромитан туман марказий шифохонасининг шовшилчин марказ ҳамшираси Наргиза Номозова ва вилоят бўлимида касалликлар шифохонаси ҳамшираси Нодирабегим Барақатова сазовор бўлдилар. Танловнинг мутлоқ голиблигини ва республика босқичига бериладиган йўлланмани Шифокон туман марказий шифохонасининг туғруқхона бўлими ҳамшираси Наргиза Ражабова қўлга киритди.

Кўрик-танловнинг барча иштирокчилари вилоят соғлиқни сақлаш босқирмаси, ҳамширалар ассоциацияси, тиббиёт ходимлари касбаба уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлиминининг қимматбахо совға ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Маъмура САФОЕВА,
Бухоро вилояти
Соғлиқни сақлаш
босқирмасининг
«Хамширалик иши» бўйича
мутахассиси.

Шунингдек, Навоий ва Тошкент вилоятларида ҳам «Хамшира — 2006» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловда биринчи эгаллаган иштирокчилар республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Тошкент шаҳри

Жумладан, жорий йилнинг 22 сентябрь кунини Й. Охунбоев номидаги тиббиёт коллежида Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари ўртасида танловнинг шаҳар босқичи муваффақиятли ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳри-



нинг барча туманларидан ташриф буюрган 11 нафар ҳамшира кизлар иштирок этиб, белгиланган бешта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Кўрик-танлов иштирокчиларига омад тилаш мақсадида сўзга чиққан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош босқирмаси бошлиғи М. Исломов, Тошкент шаҳар хотин-кизлар кўмитаси раиси Ф. Абдураҳмонова, Соғлиқни сақлаш вазириликнинг «Хамширалик иши» бўйича Бош мутахассиси Р. Солиҳжаева ва бошқа ташкилот раҳбарлари ўтказилаётган танлов ҳамшираларнинг билим савиялари, тажрибалари ва касбий маҳоратлари қай даражада эканлигини кўрсата олишга, бу борада эса ҳар бир иштирокчи ўз касбия нисбатан сидқидилдан ёндашиб, кўрсатилган шартлар бўйича зийраклик, чаққонлик ва билимдонлик қобилиятларини кўрсатишлари кераклиги хусусида гапириб ўтдилар.

Ҳақиқатан ҳам «Хамшира» кўрик-танлови бугунга келиб, кўпгина истеъдодли, билимли ва зукко ҳамшираларни излаб

2006 йилнинг Хомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан республика ҳукумати томонидан белгиланган тадбирлар дастурини амалда бажариш бўйича тиббиёт соҳасида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилиш Давлат дастуринининг мазмун моҳиятини тиббиёт ходимлари ва кенг омма ўртасида тарғиб қилиш, ҳамшираларнинг касбий билимлари ҳамда истеъдодларини намойён

этиш, шунингдек, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида, жойлардаги соғлиқни сақлаш босқирмалари, ҳамширалар ассоциацияси, соғлиқни сақлаш ходимлари касбаба уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва телерадиокомпаниясининг қўшма қарорлари ижросини таъминлаб, «Хамшира — 2006» кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичлари ўтказилмоқда.

ни ҳар бир шарт бўйича ўз билимларини тўла-тўқис намойиш этишлари, жумладан, Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан берилган саволларга ҳамшира кизларнинг тўлиқ, шовилмасдан, мантликлик билан берган жавоблари нафақат бизни, балки ҳайъат аъзоларининг ҳам диққат-эътиборидан четда қолмади, десак хато бўлмайди. Энг асосийси, йиллар давомида олинган билим ва кўникмалар, танлов давомида ҳамшираларга шунчалик қўл келдики, улар хатто амалиёт жараёнида ҳам бемалол ҳаракат қила олишларининг гувоҳи бўлди.

Нихоят, ҳаяжонли дақиқалар яқинлашган, танлов голибларини эълон қилиш фурсати етди. Шунга кўра, учинчи ўрин Собир Раҳимов тумани, 54-оилавий поликлиникасининг операцион ҳамшираси Нилуфар Хамдамовага насиб этган бўлса, иккинчи ўрин М. Улугбек туманидаги шаҳар марказий касалхонаси қабул бўлимининг навбатчи ҳамшираси Дилафруз Усмоналиевага берилди. Тадбирнинг энг жонли, қизқарли, янада ҳаяжонли лаҳзаси, бу биринчи ўрин соҳибасини билиш эди. Ҳайъат аъзоларининг адолатли баҳоларига асосан биринчи ўрин Юнусобод туман 17-шаҳар клиник шифохонасининг юз-юзроқ хонса

ҳамшираси Нодира Аҳмедовага тақдим этилиб, Республика босқичига йўлланма берилди. Республика босқичида катнашиш имкониятини қўлга киритган ҳамширанинг қувончи чексиз.

— Албатта, Республика танловда иштирок этиб, муассасамиз юзини ёруғ қиламан. Устозларим ишончини оқлашга астойдил курашаман, — дейди



ҳаяжонини яшира олмай Нодира.

Биз ҳам ўз ўрнида барча иштирокчилар катори, биринчи ўрин соҳибасига наватбадга асосий босқичида энгилмас ишқоқ, сабр-тоқат ва олға курашувчанлигини тилаб қоламиз.

Намоз ТОЛИПОВ.

Республика курортлар босқирмаси



Танловни Ўзбекистон касбаба уюшмалари федерацияси кенгаши курортлар босқирмаси бошлиғи Акмал Йўлдошев кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда тиббиёт соҳасида ҳамшираларнинг роли қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини, уларнинг амалга ошираётган ишлари эса ҳар қандай таҳсинга сазоворлигини алоҳида таъкидлади.

Сўнгра, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазириликнинг «Хамширалик иши» бўйича бош мутахассиси Рихси Солиҳжаева сўзга чиқиб, бундай кўрик-танловларни ўтказишдан

асосий мақсад, ҳамшираларнинг билим савияси ва тажрибаларини ошириш, дўстлик ришталарини узвий боғлаш ҳамда келажакдаги фаолиятга мустаҳкам пойдевор яратишдан иборат эканлигини гапириб ўтди.

Беш босқичдан иборат бўлган кўрик-танлов шартлари бўйича ҳамшира кизлар ўзаро беллашдилар. Уларнинг саволларга берган жавоблари, шунингдек, иккинчи истеъдод соҳибаси эканлиги ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Айниқса, эркин мавзу бўйича саҳнавий кўринишлари, жозибав

Жорий йилнинг 15-17 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги рус драма театрида Ўзбекистон касбаба уюшмалари федерацияси кенгаши курортлар босқирмасининг «Хамшира — 2006» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

дор рақслари ва ижро этган кўшиқлари халқимиз севган санъаткорлардан қолишмаслигини кўрсатди.


Хуллас, қизгин ҳолда ўтган танлов сўнггида ҳакамлар томонидан голиблар аниқланди. Шундай қилиб, 3-ўринга 11-сон Бўстон санаторийси ҳамшираси Севарахон Расулова сазовор бўлди. 2-ўрин эса 10-сон Чимён

санаторийси ҳамшираси

Мухтасар Дадахоновага насиб этди. Ушбу кўрик-танловнинг мутлоқ голиблигини 1-сон Турон санаторийси ҳамшираси Севара Хўжамкулова ва 9-сон Косон-сон санаторийси ҳам-

шираси Гулнора Қаюмовалар қўлга киритиб, «Нексия» автомобибли билан тақдирланди. Қолган иштирокчилар ҳам Ўзбекистон касбаба уюшмалари федерацияси кенгаши курортлар босқирмасининг қимматбахо совғалари ва фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

Холмурод РАББАНАЕВ,
Суратлар муаллифи
Асен НУРАТДИНОВ.



Рамазон — поклик ойи

РЎЗАДА САЛОМАТ БЎЛИНГ...

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм
Хуш келибсан, ё Рамазон, давлат бўлиб келган ой,
Умнат учун мағфирату раҳмат бўлиб келган ой.
Руҳга шифо, танга даво, Курьон нозил бўлган ой,
Ҳар мўминга севинч бўлиб, шафқат бўлиб келган ой.**

Истиқлолимизнинг ўн бешинчи йилда сиз азизлар билан учрашиш насиб этган экан, биз бундан хурсандмиз. Хур, озод, мустақил, обод ва гўзаллашиб бораётган юртимиз узра оламни нурга, садқатга тўлдириб кириб келган муборак рамазон — Аллоҳнинг раҳмат, мағфират ойи, ойланинг султони ва энг улуғи — рамазон шариф рўзасини ўзгача меҳр билан кутиб олдик. Маълумки, рўза — ислом динининг беш улуғ фарзларидан бири. Аллоҳ таоло Курьонни қаримда айтдики: «Эй имон келтирганлар, сиздан аввалгиларга фарз қилинган каби, сизга ҳам рўза тутиш фарз қилинди. Шунда ёмонликдан ҳимоя қилинурсиз». Бундан кўринадики, рўза инсонни камолотга етаклайди. Рамазон ойи бизлар учун бир-биримизга меҳр-муҳаббат, саховат, мурувват, саҳийлик, олижаноблик, ширинсуханлик, гўзал ахлоқ, одоб ва муомала каби одамийлик сифатларини ўзлаштириб, ғийбат, ҳасад, адоват, хусумат, ғазаб, такаббурлик, манманлик, риёкорлик каби салбий одатлардан фориғ бўладиган муборак ойдир. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ким Рамазон рўзасини имон-ишон билан ва сабов умид қилган ҳолда тутса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади», деб марҳамат қилганлар. Рўза тутиш эс-хуши бутун, балоғат ёшига етган, саломатлиги яхши ҳар бир мусулмонга фарз қилинган.

Имом Абу Халид Муҳаммад Ғаззолий рўзанинг фазилатлари тўғрисида шундай ёзадилар: «Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун давватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақлашидир. Оч баданда калб бир меъёрда ишлайди, ақл тинчлашади, кўз равшан тортади. Тўқлик эса дангасалик туғдиради, юрак чўғини ўчиради, зеҳни ўтмаслаштиради. Кам уйку ва кам овқат билан қалбларингизга ҳаёт бахш этинг. Шунда қалбларингиз мусаффо бўлади ва тетиклашади».

Барчага рўза тутиш рамазон ойда фарз бўлса-да, бир неча узрлар сабабли уни кейинги ойларда қазо қилиб тути бериш мумкин. Буларга: касаллик, ҳомилдорлик, эмизикли бўлиш, кексаллик, ҳайз, нифос ва сафарда бўлиш қиради. Қари кишилар (эркак ва аёл) — сунуқли дардга мубтало бўлиб, йилнинг ўн икки ойда рўза тутиш саломатлигига тўғри келмаса, уларга ҳам шариғатимизда руҳсат бор. Бундай кишилар бир кунлик ейдиган таомлари миқдоридан мисқинларга фидя берадилар. Яъни, ўттиз кун ичида 30 та мисқинга эҳсон қиладилар.

Бу улуғ ва муборак ойда кимда-ким одамийликнинг ёмон қусур ва иллатлари: ғийбатчилик, фитна, разолат, судхўрлик, ўғирлик, порахўрлик, хусумат, ғазабланиш, бир-бирини алдаш каби жидоканч ва ҳаром қилинган зарарли одатлар (маст қилувчи ичимликлар, тамаки, нос чекishi)ни ташламаса, унинг ўзи одамий шайтонга айланиб қолгандир, деб уламоларимиз баён қилишади. Маълумки, инсоннинг ебн хатарли, хавфли душмани нафси ва шайтондир.

Агар кишининг қалбини ғафлат босса, Аллоҳ таолони ёддан чиқарса, уни шайтон ва нафс истило қилади, ёмонлик, бузуқлик разиллик, кибр, риёкорлик каби ёмон ишларни қилишга ундайди. Нафсни тарбиялашнинг асоси илм ва Аллоҳга чексиз муҳаббатдир.

Рўзадор киши еб-ичишдан тийилиш билан бирга, тухмаддан, ёлгон ва ҳақоратли сўзларни гапиришдан ҳам ўзини тия

билиши керак. Меҳр-мурувватли, хайр-саховатли бўлиш билан бирга, эл-юрт манфаатини, Ватан тинчлигини, халқнинг инсофу диёнатини сўраб Аллоҳга ҳам тилида, ҳам дилида истиғфорда бўлиши лозимдир. Хадиси муборакда шундай дейилган: «Кимки рамазон ойининг фазилатларига ишониб, эътиқод қилган ҳолда сабовдан умид этиб, рўза тутса, ул одамнинг ўтган гуноҳлари тамом мағфират қилинур».

Рўзанинг ўз руқн, суннат ва одоблари бор. Биринчи руқн бу ният бўлиб, иккинчи руқн — ейиш-ичиш ва кундуз кунда жимъо қилишдан сақланмоқликдир. Учинчи руқн эса, зикр қилинган икки руқнга субҳисодиқ чиққандан то қўёш ботгунга қадар амал қилмоқлик ҳисобланади. Рўза тутган киши унинг одобларига ҳам риоя қилиши керак. Саҳарлик ва ифторликда ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қилиш одобсизлик ҳисобланиб, вужудга зарар етказиши, шу билан бирга турли касалликларга чалинишга сабаб бўлади. Ифторлик вақтида оғизни сув, хурмо, ҳўл мева, сабзавот, ширинлик ёки шунга ўхшаш нарсалар билан очиш тавсия этилади. Саҳарлик ва ифторликда кучли ёғлик гўштлар (от, мол, қўй, эчки), қаймоқ, сариеғ, асал, бодом, ёнғоқ, юлқа, толқон каби таомларнинг тановул этилиши айрим қон босими ошиб турувчи кишилар, юрак хасталиги бор беморлар аҳолининг кескин ёмонлашуви қуйидагиларга олиб келиши мумкин, яъни қон босими банд кўтарилади, юраги сиқиб оғриб қолади, ошқозон-ичак, жигар, буйрақларда оғрик пайдо бўлиб, ич қотиши, кетиши, дам бўлиши ҳоллари кучайиши мумкин. Бундай ҳолларда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур. Рўзанинг ҳикматлари беҳад кўп, унинг фойдаси сон-саноксиздир:

1. Бева-бечораларга меҳр кўрсатилади. Чунки рўзадор киши қорни очганда доимо оч юрган бева-бечораларни эсга олади ва уларга раҳми кучаяди.
2. Рўза барча кишиларни мисқин ҳолига қайтаради. Бу фақирлик Аллоҳнинг қаршисида барча тенг эканлигига ишонттиради.
3. Рўза ёмон одатлардан қутилишга, иродани чиниктиришга катта ёрдам беради.
4. Рўзадорнинг қалби мусаффо бўлиб, такводорлиги ошади. Чунки рўза тутган инсон доимо Аллоҳнинг кузатиб турганини ҳис қилиб яшайди.
5. Рўза ихтиёрий оч қолишнинг энг яхши намунаси бўлиб, у нафақат соғлиқни асраш, балки беморларни даволаш учун ҳам ўта зарурлиги кўп йиллардан бери исботлаб келинмоқда.
6. Рўза ҳавойи нафсни синдиради, жиявлайди.
7. Ўз ихтиёри ила бир ой кўнгил тусанган нарсалардан ўзини тийган киши керагича сабр-бардошга эга бўлади.
8. Рўзадор киши шайтонни қишанлаб, фаришталар сифати ила сифатланади. Азизлар! Аллоҳ барчамизга бу муборак ойни эсон-омонлик, тинч-тотувлик, хурсандчилик ва ҳамдамлик билан ўтказишни насиб этсин. Сиз азизлар инсофу товфик, ишларингизга омад, барокот, оилангизга соғлиқ-саломатлик, хиртамлик, имон-эътиқод, коматлик, тилибиз. Барчангизга меҳр-мурувват, сабр, покланиш, тинчлик-осойишталик ойи муборак бўлсин!

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.**

Пахта — 2006

Белойн даладаримизда пахта йигим-теримининг ҳал қилувчи палласи бошланди. Шундай бир шароитда дала меҳнатқашларининг соғлиги тўғрисида гамхўрлик қилиш муҳим вазифадир. Шу боис, биз пахта йигим-теримида қатнашаётган деҳқон ва ҳашарчилар соғлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида Андижон вилоят санитария-эпидемиология маркази бош шифокори Абдусалим Олимжонович Йўлдошев билан суҳбатда бўлам.

Республикаимиз барча вилоятларининг ДСЭНМларида деҳқон ва ҳашарчиларнинг иши унумли бўлиши учун пахта йигим-теримидан бир ой олдин чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Жумладан, ҳашарчилар жойлашадиган биноларни таъмирлаш,

пилмади. Бу борада режадаги белги-ланган ишлар давом эттирилмоқда. Эндиликда эса кўп нарса ҳашарчиларнинг ўзига боғлиқ, яъни шахсий гигиена ва озодалик қоидаларига қатъий риоя қилиши зарур. Жумладан, тана, тирноқ ва сочининг тоза бўлишига алоҳида

ҲОСИЛ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

ичимлик суви таъминотини йўлга қўйиш мақсадида барча бинолар инвентаризациядан ўтказилди. Шунингдек, яратилган шароитларни назорат қилиш учун Андижон вилоят ДСЭНМнинг буйруғига биноан туман Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази мутахассислари ҳар бир ширкат ўжа-лигига бириктирилди. Бундан ташқари, уларга иссиқ овқат тайёрлаш учун ошхоналар ташкил этилди, овқат тайёрловчи ходимлар эса махсус кийимлар билан таъминланиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 300-сонли буйруғига асосан даврий тиббий кўриқдан ўтказилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг буйруғи билан ҳашарчилар саломатлигини сақлаш учун даволовчи врач ва ҳамшираларнинг узлуксиз назорати таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, йигим-терим мавсуми бошлангунча қадар, ҳашарчилар жойлаштирилгандан жойлардан 32 та сув намунаси қимёвий, 45 та сув намунаси эса бактериологик текширишга олиниб, таҳлиллар бўйича салбий натижалар то-

этибор бериш керак. Чунки, мавсум давомида терида майда жароҳатлар пайдо бўлиши, тирналиши, яраланиши мумкин. Булар «арзимаган» бўлиб кўринсада, аста-секин яллиғланиб, йиринглашгача боради. Бу эса меҳнат қобилиятининг вақтинча (айни долзарб кунларда) пасайишига олиб келади.

Шу боис, буларнинг олдини олиш учун терида турли юмшатувчи моддалар, яъни кўл кремлари, вазелин ва гилцерин суркаб туриш тавсия қилинади. Агарда терида майда жароҳатлар пайдо бўлса, тезда даволаш чораларини кўриш керак, чунки бу жароҳатлар микроблар учун «кириш эшикларига» айланиб қолади. Шунингдек, иш даврида терлаб совуқ сув ичиш турли даражадаги шамоллаш ва ичак касалликларига олиб келади. Шунинг учун доимо қайнатилган сув ёки чой ичиш зарур.

Агар ўзингизни нохуш сезсангиз, бепарво бўлмай дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

**М. АЛИЕВ,
Андижон шаҳри.**

СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

Президентимизнинг бирламчи бўйинга бўлган эътибори туфайли қишлоқ аҳолисининг соғлиги йўлида унумли ишлар амалга оширилаётганлиги қишлоқ врачлик пунктларида ишлаётган шифокор ва ҳамшираларнинг касбларига бўлган иштиёқларини оширмоқда.

Мана саккиз йилдики, Андижон вилояти Марҳамат туман марказий шифохонасига қарашли Қорабоғиш қишлоқ врачлик пункти мудири лавозимда ишлаб келмоқдаман. Ушбу муассасадаги фаолиятимдан олдин кўплаб тиббиёт муассасаларида, яъни Фарғона шаҳар 3-сонли поликлиникасида, Қува тумани марказий шифохонасига қарашли поликлиникада участка терапевти бўлиб фаолият юритдим. Шу йиллар давомида аҳоли орасида турли касалликларга қарши курашишда, беморларга керакли тавсия ва маслаҳатлар ҳамда зарурий муолажаларни ўтказишда бор билим ва тажрибамдан фойдаландим.

Қишлоқ врачлик пунктида фаолият олиб борар эканман, поликлиникадаги иши фаолиятимга нисбатан бу ерда ишлаш ўта масъулият ва чаққонлик талаб қилади. Чунки, аҳоли яшайдиган ҳудуд қишлоқ врачлик пунктидан анчангина олис бўлиб, халқ орасида кўпроқ юриб, таригот-ташвиқот ишларини олиб боришга тўғри келади. Аҳолини қишлоқ врачлик пункти мақомига ўргатгунча жамоамиздаги ходимларнинг бирдамлиги, ташкилотчилиги муҳим аҳамият касб этди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мавсумий ва юқумли касалликлар кўрсаткичи тобора пасайиб бормоқда. Шу кунларда тиббиёт ходимларимиз кенг тарқалган камқонлик, бўқоқ, аёллардаги экстрагенитал касалликларнинг



олдини олишда аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бораётдилар. Шунингдек, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, турли мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказаяпмиз.

Мен касбим билан ҳақли равишда фахрланиб, жуда тўлқинланиб гапиришим мумкин. Чунки, кунни кеча Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кун» касбий байрамини нишонлаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлигини кўриб, хурсанд бўлдим ва кўзларимдан беихтиёр ёш қалди. Бу албатта, севинч ёшлари эди. Шифокор халқи учун бундан ортиқ гамхўрлик ва рағбат бўлмаса керак.

**Мухаррам АКРОМОВА,
Андижон вилояти Марҳамат туман марказий шифохонасига қарашли Қорабоғиш қишлоқ врачлик пункти мудири.**

Миннатдорчилик

Қўлингиздан шифо топдим

Куёш зиёсидан чароғон олам,
Унинг тафтидан борлиқ нурафшон.
Бир-биридан меҳр кутгайдир инсон,
Чунки меҳр билан кўнгил чароғон.

Гар танага кўнса ногоҳ хасталик,
Пайдо бўлар эҳтиёж шифокорга.
Шифокор сўзлари шифога тўлиқ,
Шифокор қўллари тўла давога.

Ха, ҳақиқатан бирон жойимиз оғриб, безовта қиладиган бўлса, нажот излаб тиббиёт ходимларига мурожаат қиламиз. Уларнинг тажрибаси ва савий-ҳаракатлари туфайли дардимизга даво толамиз...

Яқинда Анвархўжа ҳожи отамизнинг кўзлари бехосдан оғриб қолди. Шунда отажонимизнинг кўзларига шифо излаб, Тошкент шаҳар тез ёрдам шифохонасининг кўз касалликлари бўлими мудираси, шаҳар бош офтальмологи Зулфия Махсудовага мурожаат қилдик. Ўз касбининг моҳир устаси бўлган меҳрибон, самимий ва тажрибали мутахассиснинг тезкорлик билан кўрсатган сифатли тиббий ёрдами туфайли ҳожи отамиз соғайиб кетдилар. Шу боис, олижаноб инсон Зулфия Рўзиметовнага дил ташаккуримиз ва қалб эҳтиромимизни билдириб, сихат-саломатлик, ишларига эса омад тилаб қоламиз.

Суянган тоғимиз, ҳожи отамиз,
Кўзларига беролдингиз нур.
Сиз бўлдингиз меҳр тоғимиз,
Барчаси чун минг бор ташаккур.

А. АҚРОМХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.

Мен Наргиза Зарипова Бухоро шаҳрининг Когон туманида истиқомат қиламан. Сизларга мактуб йўллашимдан асосий мақсад, ўғлим Шаҳзод тўғма ногирон. Шу боис, бир ёшга тўлгандан буён кўплаб шифохоналарда даволатдим. Уни шифокорлар тиббий кўриқдан ўтказишгач, «Даун», дея ташхис қўйишди...

Мана, бир йилдирики, фарзандимни Бухоро шаҳридаги «Ногирон болаларни қайта тиклаш», яъни «Умид маркази»да даволатаяман. Шу кунга қадар мазкур шифо масканида уч маротаба даво муолажаларини олиб чиқди. Бу шифохонада барча шарт-шароитлар етарли. Шунингдек, бир-биридан ширинсўз, меҳрибон, фақат ғамхўрлик кўрсатиб фаолият юритаётган бош шифокор Мавлуда Ортиқовадан бир умр миннатдорман. Бундан ташқари, ҳар бир беморни чин юракдан меҳр билан даволайдиган Назира Ғуломовна, Ҳадия, Комила, Гулжон, Сангина, Ойдин опа ва шу каби барча мутахассисларга минг бора ташаккур айтаман.

Ана шундай олижаноб шифокорларимиз бахтимизга доимо соғ-омон бўлишсин. Уларнинг ҳар бирига узоқ умр, оилавий бахт ҳамроҳ бўлсин.

Наргиза ЗАРИПОВА,
Бухоро шаҳри.

Инсон ҳаётида турли тасодифий ҳодисалар учраб турар экан. 2005 йилнинг 16 ноябрь куни ўғлимиз Уйғун бахтсиз ҳодиса, яъни автохалокатга учради. Зудлик билан Денов марказий шифохонасига ётқиздик. У ерда бир неча кун даво муолажаларини олди. Лекин муолажалар ижобий натижа бермади. Чунки, ўғлимизнинг чап томони ҳаракатдан тўхтаган эди. Шифокорлар тавсияси билан Самарқанд Давлат Тиббиёт институтининг нейрохирургия бўлимига бордик. Клиника ходимлари бизни илиқ чеҳра билан кутиб олишди ва ўғлимизга 10 кун мобайнида даво муолажаларини ўтказиб, операцияга тайёрлашди ҳамда 20 декабрда унинг бош мия қисмини операция қилишди.

Нейрохирургия бўлимида фаолият олиб бораётган тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдурахмон Мамадалиев ва бўлим мудирини Холиёр Ражаповнинг савий-ҳаракати ҳамда бой тажрибаси билан амалга оширилган операция жарраёни муваффақиятли ўтказилди. Муолажалар ўз самарасини кўрсатиб, ўғлимизнинг аҳволи анча яхшиланди.

Биз юқорида номлари тилга олинган мутахассислар ва нейрохирургия бўлимининг барча ходимларига ўз миннатдорчилигимизни севимли «Узбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали йўллаймиз. Қўли енгил шифокорларнинг эзгу ишлари доимо бароридан келсин.

Соатмурод ЖАББОРОВ,
Насиба ЖАББОРОВА,
Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Амир Темур жамоа ҳўжалигининг Жартепа маҳалласи.



Рўзаи Рамазон муборак бўлсин!

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сонли Қарорининг биринчи банди 2-абзацда: амалдаги лицензиялар чекланмаган муддатга берилган деб ҳисобланиш белгиланган.

Ушбу қарорга мувофиқ 2000 йилнинг 1 октябридан кейин берилган лицензиялар чекланмаган муддатга берилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ва фармацевтика фаолиятларини лицензиялаш Кенгаши.

Ҳурматли муштарийлар!

Айрим техник сабабларга кўра «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасининг электрон почтаси тўхтатилган эди. Шу кунларда электрон почтамыз яна ўз фаолиятини давом эттирмакда. Эндиликда бизга йўллайдиган мактуб ва суратларингизни электрон почта орқали юборишингиз мумкин.

Шу кунларда электрон

Таҳририят.

ОБУНА – 2007

Азиз шифокорлар, ҳамширалар, зиёлилар ва барча муштарийлар эътиборига!


Тиббиётдаги янгилıklar билан қадам-бақадам одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига

2007 йил учун обуна мавсуми бошланмоқда.

Буни унутманг!

Нашр индексимиз: 128.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исмолова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Миржалол Миралиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр Ниёматов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббаев, Рихси Салихўжаева, Намоз Толипов, Маряш Турдумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел: 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йилнинг 17 ноябрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 211.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «Uzbekiston sogliqni saqlash - Zdravoohranenie Uzbekistana» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 4440 нусха. Бўюртма Г-1151.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ, Формати А3. Өфсет усулида босилган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚўШОҚОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.